

---

## сессия 60

Туман кенгашининг сессияси

Муҳим масалалар депутатлар муҳокамасида

Жорий йил 28 апрель куни Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни туман ҳокими, Кенгаши раиси Р. Жўраев очди ва олиб борди. Депутатлар муҳокамасига саккизта масала қўйилди. Кун тартибидаги биринчи масала - тумандаги давлат органи ва ташкилотларида норма ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг 2022 йил I-чоракдаги ҳолати бўйича вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Б. Ҳасанов ахборот берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Навкат ҳамда Қияли маҳалла фуқаролар йиғинларида “Обод қишлоқ” дастури доирасида қилинаётган тизимли ишлар бўйича туман ҳокимининг ўринбосари И. Эшматов ҳисоботи эшитилди. Туманда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор ва ташкилот раҳбарларининг фаолияти ҳамда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан I-чорак якуни бўйича туман Халқ қабулхонаси мудирини З. Рўзматов ахборот берди. Депутатлар ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси М. Мирмақсудов, шу вақт ичида кўрилган фуқаролик ишлари ва амалга оширилган ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлар-аро суди раиси Э. Исмоилов, шунингдек, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар ва амалга оширилган ишлар юзасидан жиноят ишлари бўйича туман суди раиси О. Ҳасановларнинг ахборотларини тингладилар. 2022 йил I-чорак давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида туман болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияси шўъба мудирини Б. Дўлиев, “Н.Аҳмедов саховати” ММТП ҳудудидаги “Шарофиддин ота” фермер хўжалиги билан тузилган ернинг узок муддатли ижара шартномасини бекор қилиш бўйича туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси А. Кабилов ҳисоботлари эшитилди. Депутатлар ҳар бир масалани синчиклаб ўрганиб, муҳокамадан ўтказишди. Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2022-04-29 08:18:57